

Тазкия дарслари (51-дарс). Тасаввуфга хос истилоҳли сўз (биринчи мақола)



17:58 / 21.09.2019 4921

«Самоъ» сўзи арабча бўлиб, «эшитиш» маъносини англатади. Бу сўз тасаввуфга хос истилоҳлардан бирига айланиб қолган. Тасаввуфда «самоъ» сўзи зикр ёки зикрга оид нарсаларни эшитишга ишлатилади.

Бунда зикр учун мусиқа, кўшиқ, шеър ва бошқа нарсаларни эшитиш кўзда тутилган. Турли омилларга кўра, сўфийлар орасида зикрни рақс тушиб туриб қилиш, мусиқа ила қилиш, турли шеърларни оҳанг ила айтиш, ёш болаларни гўзал кийимлар кийгизиш, ўртага ўтириштириб қўйиб адо этиш каби ғалати одатлар пайдо бўлган. Бунга асосан сунний тасаввуфга бегона бўлган унсурлар сабаб бўлган. Баъзи бир боҳисларнинг таъкидлашларича, чет эллардаги ва бошқа динлардаги тоифалар сабаб бўлган ҳолатлар ҳам бор.

Доктор Соиҳ Али Ҳусайн ўзининг «Ламаҳотун минат-тасаввуфи ва тарихиҳи» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«Тасаввуфнинг ёмон насибаларидан бири чегарасиз равишда бошқа маданиятлар, йўналишлар ва фикрларга очиқ бўлишдир. Ўшалар ўзи билан соғлом мантиқ ва тафаккурга тўғри келмайдиган турли нарсаларни олиб келганлар.

Ҳижрий еттинчи асрда Ироқ ва араб шарқида ҳинд мутасаввифлари келишган. Улар ҳақимлардан кўра кўпроқ фирибгарларга ўхшар эдилар. Ўшалар сўфийларнинг ҳалқаларига турли сунъий банжларни олиб кирдилар ва уларни «банжи асрор» деб атадилар. Яна «Фалакнинг айланишига ўхшайди» деб, айланиб тушиладиган рақсни ҳам киритдилар. Бу рақс Мавлавий тариқатида ҳозиргача ижро этилиб келмоқда.

Улар кийимларни йиртишни ҳам одатга киритдилар. Бу худди суюқ амирларнинг гўзал қўшиқчи қизларнинг қўшиғини эшитганда қиладиган ишига ўхшайди.

Бидъатлар бирин-кетин келаверди. Афсунгарлик ўсаверди. Охири бориб каромат билан сеҳрнинг орасини ажратиб бўлмайдиган ҳолга етди. Бу ишлар Басрадаги Рифоъия, Мисрдаги Байюмия, Микносадаги Ийсавия тариқатларида авж олди. Улар орасида илон, чаён, чўғ ва шиша синиқларини ейиш, баданларга пичоқ ва қиличларни санчиш ва бошқа шунга ўхшаш ишларни қилиш кенг тарқалди.

Деярли барча тариқатларда зикр давомида бақир-чақир ва дод-войлар кўпайди. Уларда Аллоҳ таолонинг исми ўрнига турли англаб бўлмайдиган овозларни чиқариш одатга айланди. Мазкур овозлардан баъзиларини ҳарф билан ифода қилиб ҳам, ёзиб ҳам бўлмайти.

Мана шу нотўғри ишларнинг содир бўлмаслиги учун кўпчилик уламолар зокирларга Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатларини билиб олишни шарт қилиб қўйдилар.

Баъзи сўфийларда «шоҳид ила сабоъ» деган бидъат зоҳир бўлди. Бу бидъат бўйича, улар ёш болаларга гўзал кийимларни кийгизиб, ҳалқанинг ўртасига ўтирғизиб қўйдилар. Уларнинг бу ишни қилишга келтирган баҳоналари шуки, гўзал манзарани тааммул қилиш Аллоҳ таолога тасбеҳ айтишга тенг эмиш. «Чунки ўша нарсада Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири сокин бўлгандир», дея даъво қиладилар».

Ушбу иқтибосда келган ҳар бир нарсага сўфийларнинг ўзлари далил ва ҳужжат келтирадилар.

Рақсни мувоҳ деган сўфийлардан бири Абу Абдурраҳмон Силмий ва яна бири имом Ғаззолийдир.

Рақсни жоиз деганлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга: «Мен сенданман, сен мendenсан»,

деганларида, у кишининг хурсандчиликдан бир оёқларини кўтариб, иккинчисини тушириб сакраганларини далил қилиб келтирадилар.

Иккинчи далил: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Зайд розияллоҳу анҳуга: «Сен биродаримиз ва мавломизсан», деганларида, у кишининг хурсандчиликдан бир оёқларини кўтариб, иккинчисини тушириб сакраганлари.

Учинчи далил: Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳабашларнинг рақсини томоша қилганлари.

Аммо уламолар бу гапларни қатъиян рад қиладилар. Ибн Жавзий ва Жавҳарий: «Хурсандчиликдан бир оёқни кўтариб, иккинчисини тушириб сакраш ва ҳабашларнинг ўйини рақс эмас, хурсандликни ифода этувчи энгил ҳаракатдан бошқа нарса эмас», деганлар.

Рақс тушадиган мутасаввифлар ҳақида имом Моликдан сўралганида: «Улар гўдакми ёки жинними?! Аҳли Исломдан бирортаси буни қилганини эшитганимиз йўқ», деганлар.

Биз ўзимиздан қўшамизки, юқоридаги уч ҳолатни рақсга далил деб фараз қилган чоғимизда ҳам, зикр учун рақс тушиш мутлақо мумкин эмас. Ахир ўзи учун хурсандчилик хабарини эшитган одамнинг қувончдан сакраши ва ийд куни ҳарбий машққа ўхшаш ўйин кўрсатиш билан Аллоҳ таолони зикр қилишни рақс ила ижро этиш орасида фарқ бўлиши керак-ку!

(Давоми бор)

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан